



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 1 декабрь, № 256 (8599)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 30 ноябрь куни амалий ташриф билан Дубай шахрига келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни БАА энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруий кутиб олди.

1 декабрь куни давлатимиз раҳбари БМТнинг Иқлим ўзгаришлари бўйича конференциясида

иштирок этади ҳамда ушбу глобал саммит ялпи сессиясида нутқ сўзлайди.

Тадбир кун тартибидан БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси асосий қоидаларини амалга ошириш, бугунги эколо-

гик таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, "яшил" тараққиёт мақсад ва вазифаларини илгари суришда кенг ҳамкорлик масалалари ўрин олган.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁРАМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРГА ТАЛАФОТЛРСИЗ ЕТКАЗИШ ТАРАФДОРИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 30 ноябрь — 2 декабрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шахрида бўлиб ўтадиган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси иштирокчиларининг 28-конференцияси (COP 28) доирасидаги Иқлим ўзгаришлари қарши курашиш соҳасидаги ҳаракатлар бўйича жаҳон саммитида иштирок этади.

Биз ва жаҳон

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад глобал иқлим ўзгариши, унинг оқибатларига қарши курашиш, Париж келишуви қабул қилингандан кейин эришилган ютуқларни баҳолаш ва сарҳисоб этиш масалаларини муҳокама қилишдан иборат.

Саммит дастуридан давлат ва ҳукумат раҳбарлари учун юқори даражадаги учрашувлар, озиқ-овқат, энергетика, ёшлар ва таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит, сув, иқлимни молиялаштириш ва "COP 28"ни амалга оширишга бағишланган тадбирлар ҳамда давра суҳбатлари ўрин олган.

Анжуманда 150 дан ортиқ мамлакатлардан давлат, ҳукумат раҳбарлари ва вазирлар даражасидаги делегалар, халқаро тузилмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, экспертлар, илмий ва жамоат

доиралари вакиллари иштирок этиши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси 1992 йилда қабул қилинган бўлиб, у дунёнинг деярли барча давлатларини қамраб олган. Киото протоколи ва Париж келишуви БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси асослари ва ривожланиши бўйича қабул қилинган ҳужжатлардир.

Ўзбекистон 1993 йил 20 июнда БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенциясига қўшилган, 1999 йилда Киото протоколнинг ратификация қилган. 2017 йилда Париж битимини имзолаш орқали Ўзбекистон қатор мажбуриятларни, жумладан, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот бирлигига "иссиқхона газлари" эмиссиясини 2010 йилги даражадан 35 фо-

изга камайтириш бўйича асосий мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

БМТ ҳадли конвенциясининг иштирокчиси сифатида Ўзбекистон иқлим бўйича мунтазам ҳисоботларни тайёрлайди ва Конвенция қотибиятига тақдим этади. Шунингдек, миллий маъруза, икки йиллик ҳисоботлар, мослашиш режалари, миллий миқёсда белгиланган бадалларни ишлаб чиқади ва янгилайди.

Айни пайтда иқлим ўзгариши бўйича Ўзбекистоннинг сўнгги беш йилда иқлим ўзгаришига қарши кураш борасидаги фаолиятини акс эттирувчи Тўртинчи миллий маърузасини тайёрлаш ишлари якунланди.

Бугунги кунда дунё иқлим ўзгариши, биологик хилмаҳилликнинг йўқолиши ва сайёрамизнинг ифлосланиши оқибатларига дуч келаятган. Марказий Осиё минтақаси эса глобал ишчи оқибатларини тобора кўпроқ хис қилаётган бир пайтда Ўзбекистон атроф-муҳит, қишлоқ ва сув ҳўжаллиги соҳасидаги сиёсатини тубдан қайта қўриб чиқди.

Хусусан, Ўзбекистонда экологик муаммоларни ҳал этиш, биохилмаҳилликни сақлаш ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига

эришиш бўйича қатор концептуал ҳужжатлар тасдиқланди. 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси, 2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси, 2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилмаҳилликни сақлаш стратегияси шулар жумласидандир. Умуман олганда, республикада табиати ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги 40 дан ортиқ қонунларни ўз ичига олган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилган.

Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган иқлимий ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар кучайишининг олдини олиш мақсадида Оролбўйида 1,8 миллион гектар майдонга чўл ўсимликлари уруғлари ва кўчатлари экилмоқда. 2030 йилгача ушбу ҳудудда 2,3 миллион гектар майдонни қўқаламзорлаштириш режалаштирилган.

➡



БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламентларо ҳамкорлик бўйича II глобал форум бўлиб ўтди.

Глобал форум

Унда Парламентларо Иттифоқ Бош қотиби Мартин Чунгонг ва ЕХХТ Парламент Ассамблеяси Президенти Пиа Каума видео-муносабат билан иштирок этди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аъзолари, МДХ иштирокчи давлатларининг Парламентларо Ассамблеяси Раиси Валентина Матвиенко, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси Бош қотиби Мехмет Сурейя Эр, хорижий мамлакатлар парламентлари раҳбарлари, парламентларо ташкилотлар, Ёшлар парламенти-

ри, давлат органлари, халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари экспертлари тўғридан-тўғри ҳамда онлайн тарзда қатнашди.

Форум аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган муносабатини Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева ўқиб эшиттирди.

➡

Учрашув

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламентларо ҳамкорлик бўйича II глобал форуми доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Россия Федерал Мажлиси Давлат Думаси раиси ўринбосарлари Александр Бабаков ва Анна Кузнецова билан учрашди.

Учрашувда томонлар икки давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ва сиёсий иродаси туфайли бугунги кунда Ўзбекистон — Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари янада мустаҳкамланиб, мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликлар юқори босқичга кўтарилганини эътироф этишди.

Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ўз сўзида кейинги йилларда парламентларо мулоқотлар жадал суръат қасб этгани, икки мамлакат парламентлари-

нинг палата ва қўмиталари раҳбарлари даражасида учрашувлар ўтказиш амалиёти муваффақиятли жорий қилинганини таъкидлади. Қонунчилик палатасининг Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси билан ташкил этилган парламентларо комиссия икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда қўнунчилик фаолиятини ташкил қилиш соҳасида тажриба алмашишда муҳим аҳамият қасб этаётганини таъкидлади.

Ўз навбатида, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёшлар тарбияси, гендер тенгликни таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида рўй берган ўзгаришларни юксак баҳолади.

Россия парламент аъзолари икки давлат ўртасидаги парламентларо алоқалар изчил ривожланиб бораётганини икки мамлакатнинг дўстона ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳизмат қилаётганини таъкидлади.

Самийинг ва конструктив рўнда ўтган учрашувда томонлар парламентларо ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 22 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 25 ноябрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шахри,
2023 йил 30 ноябрь
№ ЎРҚ—882

Дунё нигоҳи

«The New York Times»: ОРОЛ ДЕНГИЗИ ФОЖИАСИ — ИНСОНИАТ УЧУН ОҒОҲЛИК ҚЎНФИРОҒИ

Американинг номдор "The New York Times" газетасида Орол денгизи ҳавзасидаги ҳалокатли оқибатларга бағишланган мақола эълон қилинди.

Унинг муаллифи Жейкоб Дрейернинг ёзишича, қуриган Орол денгизи туби бўйлаб сайр қилиш ҳудди "дўзах"га шўнгишдек гап: теварак-атроф, саксовул дарахларини ҳисобга олмаганда, ҳаётдан бутунлай узилиб қолган чўлдан иборат. Кўёш тили остида кум бўронлари эсмоқда.

"Мен тарқоқ жойлашган

кўллардан бирининг четига етиб бордим. Ушбу кўл бир пайтлар улкан сув ҳавзаси бўлган Орол денгизининг қолдиқларидан бири. Оёқ кийимимни ечиб, сувга тушдим. Сув туз билан шунчалик тўйинганки, натижада у ёпишқоқ ҳолга келиб қолган", деб ёзади журналист.

➡

Ҳамкорлик

МУНОСАБАТЛАРИМИЗНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламентларо ҳамкорлик бўйича II глобал форум доирасида Беларусь Миллий Мажлиси Республика Кенгаши раиси ўринбосари Валерий Бельский билан учрашув ўтказди.

Унда Ўзбекистон ва Беларусь муносабатларининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари, хусусан, парламентларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз бизнес доиралари, айниқса, ишби-

лармон хотин-қизлар ўртасида бугун ўзаро манфаатли лойиҳалар амалга ошириляётгани, бунда тадбиркор аёллар бизнес форуми савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича янги тақлифларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш учун самарали майдонга айлангани алоҳида таъкидланди.

Ўз навбатида, олий даражада эришилган иқтисодиёт, савдо ва саноят соҳаларидаги келишувлар иқтисодиётнинг тасвирчан парламент назоратини амалга ошириш билан бирга уларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда саъй-ҳаракатларни бириштириш лозимлиги қайд этилди.

Учрашув якунида халқаро парламент тузилмалари доирасида бундан кейин ҳам томонлар ташаббусларини ўзаро қўллаб-қувватлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ТАЪЛИМ ВА МУАЛЛИМ ҚАДРИ

янги Уйғониш даврининг узвий халқаси ва таянч устун

Мамлакат тараққиёти ҳақида сўз кетганида, аввало, ёш авлод таълим-тарбияси, уларни баркамол инсон қилиб воёга етказиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бу олижаноб, шарафли, айни пайтда машаққатли иш эса ўқитувчилар зиммасида. Бугун юртимизда миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир инсон ўз қобилияти ва истеъдодини, билим ва тажрибасини рўёбга чиқара оладиган ижтимоий давлат барпо этилмоқда. Шу мақсадда барча куч ва имкониятлар ёшларнинг интеллектуал ва жисмоний камолоти, уларнинг сифатли таълим олиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун сафарбар қилинмоқда.

2023 йил янги тахрирдаги Конституциямизда илк бор ўқитувчи мақоми алоҳида белгиланиб, таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифалари қаторига киритилгани бежиз эмас. Чунки жамият ҳаётида ўқитувчининг ўрни ва таъсири ошса, мактабнинг обрўси, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг қадри кўтарилади. Муаллимнинг обрў-эътибори эса бу миллатнинг, бугун халқнинг обрў-эътиборидир.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида мамлақати-

мизда қўллаб янги боғчалар, мактаб ва олийгоҳлар барпо этилмоқда. Таълим-тарбия ва илм-фан муассасаларининг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилмоқда. Соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш давлатимизнинг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Охири етти йилда мактабгача таълим бўйича қамров даражасини 27 фоиздан 72 фоизга, олий таълимда эса

➡

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ПАРЛАМЕНТ ВАКОЛАТЛАРИ

Кейинги йилларда мамлақатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани барчага маълум. Хусусан, қисқа муддатда Ўзбекистон дунё учун очик давлатга айланди, натижада нафақат минтақамиздаги, балки бошқа ҳудудлардаги мамлакатлар билан алоқаларимиз сезиларли даражада кучайди. Қолаверса, ҳозирги глобаллашув жараёнида жамият ҳаётига қатор янгиликларни олиб кирди.

Ана шундай вазиятда мавжуд қонунчилик, аввало, Бош қомусимизни замон талаблари асосида такомиллаштириш вазифаси кун тартибига чиқди. Ўзингизда бўлса, бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 6 ноябрь куни, иккинчи президентлик муддатидаги қириқинчи юзасидан инаугурация маросимидида нутқда биринчи марта айтиб ўтганди. Давлат раҳбари ўша йилги Конституция байрами муносабати билан халққа йўллаган табригида:

"Конституцияни янгилашдек фоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда етти марта ўйлаш" зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Шу тариқа 2022 йил май ойида Конституциявий комиссия тузилиб, ҳужжатни янгилаш жараёни бошлаб юборилди. Ўзбекистоннинг 65 фоизга янгиланган ва анча "тўлишган" Бош қомуси 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кирди.

Хўш, ушбу ўзгаришлар нималардан иборат?

➡

НОН ИСРОФИ — ТЎҚЛИККА ШЎХЛИК



Уруш йиллари, чамаси 4-5 ёшларда эдим. Ушанда гоҳ қўшнимиз Замира буви, гоҳ Хумайра опоки кирсовун кўтариб бизни кичиқа чикар, нонга алмаштиришни сўрашарди. Гоҳида эса отам раҳматли онам билан суҳбатлашганида зогора нонни кўпроқ қилгин, деб буюрарди. Уша пайтда кўпинча заводда ишлайдиганларга уч бўлакдан нон тарқатиларди.

Мушоҳада

Одамлар турли нарсалар эвазига нон олишарди. Утган асрнинг эллингичи йилларига келиб “заборний” деган нон қоғози пайдо бўлди. У билан нон олиш учун тонг сахарлаб навбатда туриш керак эди. Уч орасингил навбатма-навбат нон олишга борардик. “Заборний”га олинган бир буханка нонни кучоқлаб, одамларнинг севиношлари хали-хамон кўз олдимда. Узундан-узук навбатда туришлар, жанжал-тўполонларни гапирмасам ҳам бўлади.

Яна бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бир сафар нонга бораётганимда қоғозни йўқотиб қўйдим. Нима қилишни билмай қолдим. Уйга қайтишга юрагим бетламай, йиғлаб кўчада юравердим. Бир мuddатдан сўнг опаларим қидириб келишди. Уйга бормаيمان деб оёқ тираб олдим, чунки кўрқиб қолганим. Ахир йўқотганим оддий бир қоғоз эмас, ҳаёт-мамотимиз эди. Менга уч кун кўчага чиқмаслик жазоси тайинланди. Бахтимга иккинчи куни “за-

борний”имизни нариги кўчада яшайдиган Зойит деган бола топиб келди, опам эвазига анча конфет ҳада қилиб, уни орқасига жўнатди. Шу-шу биз нонли бўлдик, ҳаёт эса давом этаверди.

Нимасини айтиш, эллингичи йилларда аҳолининг турмуш тарзи оғир эди. Истиқлол келтирган саодат билан, шурки, бугун озиқ-овқат, айниқса, нон масаласида ҳеч бир камчилигимиз, муаммомиз йўқ.

Бир кун кўчадан юриб бораётганимда тўсатдан димоғимга буханканинг ёқимли иси урилди. Дилим яйраб, кайфиятим кўтарилди. Ноннинг бизга етиб келгунча бўладиган жараёни кўз олдимда гавдалантирдим: дастлаб деҳқон уругини тайёрлайди, кейин ишлов берилган далага сепади, униб чиққач, парвариш қилади, вақтида сугоради, ўғит солади. Етилган ҳосилни комбайнларда ўриб, дон ажратилади. Сара дон теги-

монга келтирилади. Тайёр маҳсулот навларга ажратилиб, қопларга жойланади. Сўнг тайёр ундан новвойоналарда хамир тайёрланади. Етилган хамир махсус қолипларга жойланиб, печларга қўйилади. Олов, вужудимизга қувват бағишлайди.

Афсуски, тўқликка шўхлик ҳолатлари кейинги пайтларда жуда авж олди. Тез-тез чиқиндиҳоналар ёнига қўйилган пакет-пакет нонларга кўзимиз тушади. Ахир ўша нонни кўзимга қўшмай, қотириб, қуритиб олинса, айнимасдан тураверади-ку. Ёши улуғлар навқирон авлодга ноннинг қадрини, уволини тушунтириб қўйишса, соз иш бўларди.

Айни кунларда дунёнинг қаеридадир оналар, болалар, одамлар бир бурда нонга зор. Минг шурки, юртимиз тинч, умримиз саодатга ёр. Дастурхонда нонимиз бор экан, ризкимиз бут, ҳаётимиз фаровондир.

Муқаддас АБДУСАМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси.

РЕКЛАМА

MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

quyidagi lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:

Amaliy matematika va intellektual texnologiyalar fakulteti

Algoritm va dasturlash texnologiyalari kafedras:
professor — 2 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 6 ta;
o'qituvchi — 2 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Amaliy matematika va kompyuter tahlili kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 4 ta;
katta o'qituvchi — 9 ta;
stajer-o'qituvchi — 5 ta.

Axborot xavfsizligi kafedras:

professor — 3 ta;
dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 5 ta;
stajer-o'qituvchi — 2 ta.

Hisoblash matematikasi va axborot tizimlari kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajer-o'qituvchi — 5 ta.

Sun'iy intellekt kafedras:

professor — 1 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
o'qituvchi — 2 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Biologiya fakulteti

Biofizika kafedras:
professor — 1 ta;
dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 2 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Biokimyoviy kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 3 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 2 ta.

Botanika va o'simliklar fiziologiyasi kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 4 ta;
o'qituvchi — 4 ta.

Genetika kafedras:

dotsent — 5 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Mikrobiologiya va biotexnologiya kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
o'qituvchi — 3 ta;
stajer-o'qituvchi — 2 ta.

Odam va hayvonlar fiziologiyasi kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 7 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 2 ta;
stajer-o'qituvchi — 3 ta.

Tuproqshunoslik kafedras:

professor — 3 ta;
dotsent — 6 ta;
katta o'qituvchi — 5 ta;
o'qituvchi — 2 ta.

Zoologiya kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 4 ta;
katta o'qituvchi — 5 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Ekologiya fakulteti

Ekologik monitoring kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 6 ta;
katta o'qituvchi — 5 ta;
o'qituvchi — 5 ta.

Ekologiya kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 3 ta;

katta o'qituvchi — 4 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Fizika fakulteti

Astronomiya va astrofizika kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Fotonika kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 5 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 2 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Nazariy fizika kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 4 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta.

Umumiy fizika kafedras:

professor — 3 ta;
dotsent — 9 ta;
katta o'qituvchi — 4 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Yadro fizikasi kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 2 ta;
o'qituvchi — 2 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Yarimo'tkazgichlar va polimerlar fizikasi kafedras:

dotsent — 3 ta;
o'qituvchi — 2 ta.

Geografiya va geoaxborot tizimlari fakulteti

Geodeziya va geoinformatika kafedras:

dotsent — 3 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
o'qituvchi — 6 ta;
stajer-o'qituvchi — 2 ta.

Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya kafedras:

dotsent — 5 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 5 ta;
stajer-o'qituvchi — 4 ta.

Kartografiya kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajer-o'qituvchi — 2 ta.

Tabiiy geografiya kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 3 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 3 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Geologiya va muhandislik geologiyasi fakulteti

Geodinamika va tektonika kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 5 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Geofizikaviy tadqiqot usullari kafedras:

dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 4 ta;
stajer-o'qituvchi — 3 ta.

Geokimyoviy va mineralogiya kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 4 ta;
o'qituvchi — 3 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Geologiya kafedras:

dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 6 ta;
stajer-o'qituvchi — 6 ta.

Gidrogeologiya kafedras:

dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 3 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Gidrometeorologiya fakulteti

Gidrometeorologiya va atrof-muhit monitoringi kafedras:

dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Meteorologiya va iqlimshunoslik kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 1 ta;
o'qituvchi — 3 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Qurug'lik gidrologiyasi kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Ijtimoiy fanlar fakulteti

Etika va estetika kafedras:

dotsent — 4 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Falsafa va ma'naviyat asoslari kafedras:

dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Falsafa va mantiq kafedras:

professor — 3 ta;
dotsent — 4 ta;
katta o'qituvchi — 7 ta;
stajer-o'qituvchi — 3 ta.

Huquqiy fanlar kafedras:

professor — 3 ta;
dotsent — 4 ta;
katta o'qituvchi — 6 ta;
o'qituvchi — 3 ta;
stajer-o'qituvchi — 4 ta.

Ijtimoiy ish kafedras:

dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 4 ta;
o'qituvchi — 4 ta;
stajer-o'qituvchi — 2 ta.

Ijtimoiy psixologiya kafedras:

dotsent — 5 ta;
katta o'qituvchi — 7 ta;
o'qituvchi — 5 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Pedagogika va umumiy psixologiya kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 3 ta;
katta o'qituvchi — 4 ta;
o'qituvchi — 3 ta;
stajer-o'qituvchi — 7 ta.

Siyosatshunoslik kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 3 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Sotsiologiya kafedras:

professor — 3 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 3 ta;
stajer-o'qituvchi — 2 ta.

Umumiy psixologiya kafedras:

professor — 3 ta;
dotsent — 6 ta;
katta o'qituvchi — 7 ta;
o'qituvchi — 10 ta;
stajer-o'qituvchi — 12 ta.

Iqtisodiyot fakulteti

Ekonomika va iqtisodiy modellashtirish kafedras:

professor — 1 ta;
katta o'qituvchi — 4 ta;
o'qituvchi — 2 ta;
stajer-o'qituvchi — 3 ta.

Iqtisodiyot nazariyasi kafedras:

professor — 5 ta;
dotsent — 5 ta;
katta o'qituvchi — 10 ta;
o'qituvchi — 4 ta.

Makroiqtisodiyot kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 3 ta;
katta o'qituvchi — 8 ta;
o'qituvchi — 3 ta.

Mintaqaviy iqtisodiyot va menejment kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 7 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
o'qituvchi — 4 ta.

Moliya va kredit kafedras:

professor — 1 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
o'qituvchi — 3 ta;
stajer-o'qituvchi — 2 ta.

Jurnalistika fakulteti

Audiovizual va internet jurnalistika kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Jamoatchilik bilan aloqalar va reklama kafedras:

dotsent — 4 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Kimyo fakulteti

Analitik kimyo kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 4 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajer-o'qituvchi — 2 ta.

Fizikaviy kimyo kafedras:

dotsent — 7 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta.

Noorganik kimyo kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 3 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 5 ta.

Organik kimyo kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 5 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Organik sintez va amaliy kimyo kafedras:

professor — 1 ta;
katta o'qituvchi — 5 ta;
stajer-o'qituvchi — 2 ta.

Polimerlar kimyosi kafedras:

professor — 4 ta;
dotsent — 3 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Tabiiy birikmalar kimyosi kafedras:

dotsent — 3 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Umumiy va neft-gaz kimyosi kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 6 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Matematika fakulteti

Algebra va funksional analiz kafedras:

professor — 3 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 5 ta;
o'qituvchi — 4 ta.

Differentsial tenglamalar va matematik fizika kafedras:

professor — 2 ta;
dotsent — 8 ta;
o'qituvchi — 4 ta.

Ehtimollar nazariyasi va matematik statistika kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
o'qituvchi — 4 ta.

Geometriya va topologiya kafedras:

professor — 3 ta;
dotsent — 4 ta;
katta o'qituvchi — 4 ta;
o'qituvchi — 3 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Matematik analiz kafedras:

professor — 3 ta;
dotsent — 4 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 4 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

Mexanika va matematik modellashtirish kafedras:

professor — 3 ta;
dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 3 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajer-o'qituvchi — 1 ta.

O'zbek filologiyasi fakulteti

Fakultetlararo rus tili kafedras:

dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 12 ta;
o'qituvchi — 7 ta;
stajer-o'qituvchi — 3 ta.

Kompyuter lingvistikasi va amaliy tilshunoslik kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 5 ta;
o'qituvchi — 4 ta;
stajer-o'qituvchi — 10 ta.

O'zbek adabiyotshunosligi kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 3 ta;
katta o'qituvchi — 9 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajer-o'qituvchi — 7 ta.

O'zbek tilshunosligi kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 4 ta;
o'qituvchi — 4 ta;
stajer-o'qituvchi — 4 ta.

Rus adabiyotshunosligi kafedras:

dotsent — 3 ta;
katta o'qituvchi — 4 ta;
o'qituvchi — 4 ta;
stajer-o'qituvchi — 5 ta.

Rus tilshunosligi kafedras:

professor — 1 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 4 ta;
o'qituvchi — 4 ta;
stajer-o'qituvchi — 4 ta.